ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
Республика илмий-амалий конференцияси ташкилий қўмитасининг

А Х Б О Р О Т Х А Т И

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 133-ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 февралдаги 205-сонли буйруғига асосан Қарши давлат университети **“Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси** 2019 йилнинг **16 апрел** куни «**Ҳаракатлар стратегиясинининг миллий ғоя, асосий тушунча ва тамойилларининг ривожланишига таъсири**» мавзусида Республика илмий- амалий конференцияси ўтказилишини маълум қилади

Анжуманда қуйидаги йўналишлар бўйича шўъбалар ташкил қилиниши режалаштирилган:

- Ўзбекистонда туб ислоҳатларни амалга оширишга янгича ёндашувлар ва уларни миллий ғоя, асосий тушунча ва тамойиллар мазмунини бойитишдаги ўрни.
- Юрт тинчилиги, ватан равнақи, халқ фаровонлиги ва комил инсон тушунчаларини ички ва ташқи алоқалар ривожланиши таъсирида миллий ғоянинг конкретлашуви.
- Таълим –тарбия, маданият, илм- фан, адабиёт ва санъат соҳаларидаги ислоҳотлар ва уларга киритилган жиддий ўзгаришлар.
- Ижтимоий теранлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик тамойилларининг ривожланиши.

КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ РАСМИЙ ТИЛИ*:* ўзбек ва рус тиллари.

Конференция ишида иштирок этувчилар ўз мақолаларини **2019 йилнинг 26 мартга қадар** Қарши давлат университети **“Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедрасига** юборишлари сўралади.

МАҚОЛАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚОИДАЛАРИ:

Маъруза матнлари таҳрир қилинган ва тегишли шўъбаларнинг номи кўрсатилган ҳолда илмий мақола матни саҳифаланмаган бўлиб, ҳажми 5 бетдан ошмаслиги ва унинг электрон нусхаси **Word** дастурида, **Times New Roman** шрифтининг **14 кегел** катталигида бўлиши лозим. Илмий мақола матни **А-4 формат** катталикда, юқоридан ва пастдан **2,5 см**, чапдан **3 см,** ўнгдан **1 см** жой қолдириб расмийлаштирилади. Мақоланинг номи бош ҳарфлар билан ёзилади ва **1,5 интервал**дан сўнг бош ҳарфларда муаллифнинг исми, шарифи ва фамилияси ёзилади, 1 интервалдан кейин ташкилот ва шаҳар номи кўрсатилади. Сўнгра 1,5 интервал қолдирилиб матннинг мазмуни **1,5 интервал**ли сатрларда ёзилади. Фойдаланилган адабиёт ва манбалар, иқтибослар мақола охирги бетида кўрсатилиши лозим. Илмий мақоланинг қоғоздаги матни ва унинг электрон нусхаси диск (ёки флешка)га ёзилган ҳолда қуйида келтирилган манзилга юбориш лозим. Конференция материалларини чоп этишга кетадиган харажатларни қоплаш учун мақоланинг ҳар бир саҳифаси учун **10000 (ўн минг)** сўм бадал пули тўланади.

Ташкилий қўмитага келиб тушган илмий материаллар конференция мавзусига, долзарблигига мос равишда танланади ва ёзилиш қоидаси ҳамда юборилган санасига қараб қабул қилиб олинади. Конференциянинг барча талабларига жавоб берадиган материаллари тўплам шаклида чоп этилади.

Конференция ташкилий қўмитаси: Қарши давлат университети, **“Миллий ғоя ва маънавият асослари”** кафедраси.

Манзил: 730003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ 17, Қарши давлат университети Ижтимоий фанлар факультети **Миллий ғоя ва маънавият асослари** кафедраси, III-қават, 332-хона.

Маъсуллар: Қаноатова Ф. +99891 211 88 48 e-mail: fkanoatova_11@mail.ru
Сунатов Д. +99891 950 59 50 sunatov_d@bk.ru
Раҳматова Н. +99891 463 29 38